



МАҚСАД – ИНСОН МАНФААТЛАРИ

ҚОЗОҒИСТОНДА ҚИСҚАРТИРИЛГАН ИШ ВАҚТИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНДИ

Давлат раҳбари «Қисқартirilган иш вақти тўғрисидаги конвенцияни (175-конвенция) ратификация қилиш тўғрисида»ги Қозоғистон Республикаси Қонунини имзолади.

Қисқартirilган иш ҳафтаси – белгиланган меъёр бўйича ишлаш, яъни кунига 8 соатдан, аммо ҳафтасига 5 кун эмас, масалан, уч ёки тўрт кун.

Қисқартirilган иш берувчи билан олдиндан келишиб олиш даркор. Бундай турдаги иш тартибиде ишлашга қуйидагиларга рухсат берилди:

18 ёшга тўлмаган ходимлар;
I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимлар;
ноқулай меҳнат шартлоқларидаги ишларда банд бўлган ходимлар;
алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар;
уч ёшга тўлмаган болалари бор ва ҳоказо.
Қонун матни матбуотда эълон қилинади.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

"АМАНАТ" партияси раиси Қасим-Жўмарт Тўқаев навбатдан ташқари партия XXIII съездини жорий йил 26 апрель куни чақиришга қарор қилди. Бу ҳақда партия масъул котиби Асхат Ҳуратов Facebook саҳифасида маълум қилди.



ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИ – ДЕМОКРАТИЯ ОМИЛИ

"Бугун "АМАНАТ" партияси раиси Қасим-Жўмарт Тўқаев навбатдан ташқари партия XXIII съездини жорий йил 26 апрель куни чақиришга қарор қилди. Унда барча вилоятлардан делегатлар иштирок этади. Конгресс онлайн тарзда ўтказилади. Марказий девон филиаллар билан тайёргарликни бошлаб юборди. Съездда "АДАЛ" сиёсий партиясини "АМАНАТ" партияси билан бирлаштириш масаласи қўриб чиқишли кутилмоқда", дейди Асхат Ҳуратов.



САЙЁҲЛИККА САРМОЯ

2021 йилда Туркистон вилоятининг сайёҳлик соҳасига 102 млрд. тенге сармоя жалб қилинган. Бу кўрсаткич бўйича вилоятимиз республикада 1-ўринда. Бу ҳақда вилоят сайёҳлик бошқармаси раҳбари вазифасини бажарувчи Нурдаулет Медеуов маълум қилди.



– Ўтган йили "Карвон сарой" кўп тармоқли сайёҳлик мажмуаси, "Ramada", "Emir Plaza", "Rich Hotel", "Grand Villa", "Ресорт" этнобоғ каби сайёҳлик иншоотлари фойдаланишга топширилди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларига таниқли Izi.Travel мобил иловасига вилоят ҳудудидаги 100та сайёҳлик иншоотига оид аудиоахборотлар ва маълумотлар сайёҳлик харитасига киритилди, – деди Нурдаулет Данабайули.

Жорий йили бошқарма томонидан минтақанинг сайёҳлик соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган "Karavan Statue Street Art" ҳайкаллар фестивали, "Taqazan" гастрофестивали, "Батир Батлс" фестивали каби лойиҳаларни амалга ошириш режаланмоқда. Шунингдек, жорий йилда ички сайёҳлар сонини 260 мингга, хорижлик сайёҳлар сонини 7 минг кишига етказиш режаланган.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

30 МЛРД. ТЕНГЕ
САРМОЯ ЖАЛБ
ЭТИЛГАН

2-бет

ЭЛНИНГ
ИШОНЧНИ
ОҚЛАГАН ОЛИМ

6-бет

ЗАКОТ
ҲИСОБИДАН
ЯНГИ УЙ

8-бет

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси



Жанубий

ҚОЗОҒИСТОН

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2022 йил 23 апрель, шанба. №44 (3097).



«ЯНГИ ҚОЗОҒИСТОН»НИНГ ВАТАНПАРВАР БАҲОДИРЛАРИ

ҚАСИМ-ЖЎМАРТ ТЎҚАЕВ ДАВЛАТ ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРДА ИШТИРОК ЭТДИ

Президент Давлат қўриқлаш хизмати фаолияти билан танишди. Шунингдек, у ДҚХнинг 30 йиллигига бағишланган тантанали тадбирда иштирок этиб, соҳа ходимларини табриқлади.

Давлат раҳбари ушбу тузилма миллий хавфсизлик тизимида муҳим ўрин тутиши ва қўриқлаш хизмати ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклашини таъкидлади.

– Мамлакат раҳбариятининг хавфсизлигини таъминлаш, стратегик иншоотларни, қолаверса, хориждан ташриф буюрган хурматли меҳмонларни қўриқлаш осон иш эмас. Сиз бу вазифани муносиб адо этяпсиз. Шурҳасиз, бу 30 йилдан буюн шаклланган яхши анъанадир. Бугунги кунда қўриқлаш хизматининг салоҳияти жуда улкан. Жанговар техник ва қатор имкониятлар жуда кўп. Дарҳақиқат, Давлат қўриқлаш хизма-

тини ҳақиқий ватанпарварлар жамоаси дейиш мумкин. Энг муҳим паллада сиз Ватанга фидокорона хизмат қиляпсиз, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Қ. Тўқаев Давлат қўриқлаш хизматининг ҳозирги геосиёсий вазиятда турли қаҳир қилдирилган бардош бера олиши муҳимлигини таъкидлади.

– Кадрларнинг билим ва малакасини янада ошириш, давлат хавфсизлигини таъминлашнинг яхлит тизимини такомиллаштириш зарур. Давлат қўриқлаш хизмати махсус тузилма ҳисобланади. Шунинг учун унга қўйиладиган талаблар доимо юксак бўлади. Белгиланган вазифани тез ва си-

фатли адо этасиз, бунга ишончим комил. Барчангизга бенуқсон хизматингиз учун чин дилдан миннатдорчилик билдираман, – деди Қозоғистон Президенти.

Мамлакатимизда жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг мол-мулкни ишончли ҳимоя қилиш ҳамда моддий-товар бойлиқлар хавфсизлигини таъминлаш, ҳудудларда жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлашда энг самарали тизимлардан бири саналади. Соҳада замонавий ёндашувлар асосида хизматни ташкиллаштириш, янги инновацион технологияларни амалиётга кенг тadbқиқ этиш орқали, қўриқлаш хизмати тубдан такомиллаштириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда барча соҳаларда бўлгани каби, Қўриқлаш бўлимларида

ҳам қатор ислохотлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Албатта, соҳада амалга оширилаётган бу каби ислохотлар юртдошларимизнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлат раҳбари соҳа ходимларига муваффақиятлар тилади ва улардан бир гуруҳини давлат мукофотлари билан тақдирлади. Жумладан, I ва II даражали «Айбин» орденлари, «Жауынгерлік ерлігі үшін» медаллари билан тақдирланиб, Президент ташаккурномалари топширилди. Тақдирлаш маросимидан сўнг Қ. Тўқаев байрам концертини томоша қилди.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

ҚУЛАЙ САРМОЯВИЙ МУҲИТ САМАРАСИ

ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР ҚОЗОҒИСТОН БОЗОРИГА ИНТИЛМОҚДА

Ҳозирги геосиёсий вазият Қозоғистон бизнес бозори учун янги имкониятларни тақдим этмоқда. Бу ҳақда «Атамекен» миллий тадбиркорлар палатаси раҳбари Раимбек Баталов маълум қилди.

– Бугунги кунда Қозоғистонда қулай сармоявий муҳит яратилиб, сармоядорлар учун имтиёзларнинг самарали тизими ишлаб чиқилган. Лекин геосиёсий вазият туфайли бизнесни ривожлантиришда логистика билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Товар ва маҳсулотлар етказиб беришдаги узил-кўриш кенг қамровли муаммо ҳисобланади. Бу масалаларни Ҳукумат би-



лан тезкор штаб ва ишчи гуруҳлар йиғилишида муҳокама қилмоқдамиз. Кўп масалалар зудлик билан ҳал этилмоқда. Доллар курси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Умуман олганда, вазият барқарорлашмоқда. Бизнесни ривожлантиришда банк-молия тизими алоҳида ўрин тутди. Қозоғистонда фаолият юритаётган Россия банкларининг самарали тизими ишлаб чиқилган. Лекин геосиёсий вазият туфайли бизнесни ривожлантиришда логистика билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Товар ва маҳсулотлар етказиб беришдаги узил-кўриш кенг қамровли муаммо ҳисобланади. Бу масалаларни Ҳукумат би-

лан тезкор штаб ва ишчи гуруҳлар йиғилишида муҳокама қилмоқдамиз. Кўп масалалар зудлик билан ҳал этилмоқда. Доллар курси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Умуман олганда, вазият барқарорлашмоқда. Бизнесни ривожлантиришда банк-молия тизими алоҳида ўрин тутди. Қозоғистонда фаолият юритаётган Россия банкларининг самарали тизими ишлаб чиқилган. Лекин геосиёсий вазият туфайли бизнесни ривожлантиришда логистика билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Товар ва маҳсулотлар етказиб беришдаги узил-кўриш кенг қамровли муаммо ҳисобланади. Бу масалаларни Ҳукумат би-

24 kz.

ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартдаги 826-сонли "Ҳокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиш тўғрисида"ги Фармонининг ижроси доирасида Туркистон вилояти ҳокими Ҳамидулло Ҳасанов Шўқеевнинг Сўзқ тумани аҳолиси билан учрашуви 2022 йил 27 апрель куни соат 11.00да Шўлоққўрғон қишлоғида "Ту тўғри" майдонида ўтди.

Шунингдек, вилоят ҳокими 2022 йил 27 апрель куни соат 12.00да Шўлоққўрғон қишлоғидаги тарихий-ўлкашунослик музейида Сўзқ тумани аҳолисини шахсан қабул қилади.

Туркистон вилояти ҳокими Ҳамидулло Ҳасанов Шўқеевнинг Байдибек тумани аҳолиси билан учрашуви 2022 йил 27 апрель куни соат 16.00да туман Маданият уйи ёнидаги Мустанқиллик майдонида ўтди, шунингдек, вилоят ҳокими 2022 йил 27 апрель куни соат 17.00да Маданият уйида Байдибек тумани аҳолисини шахсан қабул қилади.

Қабулга аввалдан ёзилиш 8 (72533) 5-98-99 алоқа телефони ҳамда Lakimat@ontustik.gov.kz электрон почтаси орқали 2022 йил 26 апрелгача соат 9.00дан 19.00 оралиғида (манафус соат 13.00-15.00гача) амалга оширилади.

Тегишли ташкилотларнинг иштирокитини таъминлаш ҳамда бевосита алоқа ўрнатиш мақсадида арза берувчининг исм-шарифи, савол мазмуни, манзилгоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон почта (бор бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.

◆ "Янги Қозоғистон"ни бирга қурамыз!

ЁШЛАР "ЯНГИ ҚОЗОҒИСТОН"НИНГ БУНЁДКОРЛАРИ

"AMANAT" партиясининг минтақавий филиали қошидаги Ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича Жамоат кенгашининг жорий йилги дастлабки ййгилиши ўтди.



Унда минтақавий партия филиалининг Ижроия котиби Бейсен Тажибаев, вилоят ҳамда шаҳар маслаҳати депутатлари, маҳаллий "Ёшлар имконият марказлари" раҳбарлари, вилоят талабалар ҳамжамияти ҳамда таълим масканлари вакиллари иштирок этишди.

Бироқ, дастур кутилган натижани бермапти. Б. Тажибаев ушбу масалани тўхталар экан, ёшларни тарғибот-ташвиқот тадбирларига жалб этиш зарур, деб ҳисоблайди.

саткич. Дастурда доимий иш масаласи ҳам эътиборга олинган. Мана шу маълумотларни вилоят аҳолисига етказишда фаол иштирок этиб, қишлоқ мактаблари битирувчиларини, уларнинг ота-оналарини хабардор қилсак, дастур ижобий натижа беради. Энг муҳими, ёшлар орасида ишсизлик муаммоси ҳам қисман барҳам топади, — деди у.

Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан Сўзоқ туман "Ёшлар имконият маркази" директори Ж. Тўлепберген минтақамизнинг чекка қишлоқларида тезкор ахборот тизимини йўлга қўйишни таклиф қилди. Шунингдек, муҳокамадаги яна бир масала — ёшларни уй-жой билан таъминлаш.

Туркистон шаҳар маслаҳати депутати Н. Жусипбаев ва Тўлкибош туман "Jas Otan" ёшлар қаноти раиси И. Жўлбасханов ижара уй масаласини мутасадди ижро органлари билан ҳамкорликда ҳал қилиш зарурлигини таъкидлади. Чунки, Туркистон вилояти мамлакатимизда ёшлар кўп бўлган минтақа, уларни иш ва уй-жой билан таъминлаш, қўлай шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда Жамоат кенгашининг янги раисаси Динара Егамбердиева келгусида талабаларнинг таълим-тарбиясини назорат қилиш мақсадида мониторинг гуруҳ ташкил этилиб, таълим масканлари ва ётоқхоналарда текширувлар ўтказилишини маълум қилди.



СОЛИҚ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ КУН ТАРТИБИДА

Туркистон шаҳрида солиқ маданиятини шакллантириш ва истеъмолчилар манфаатларини ҳимоялаш мақсадида Туркистон вилояти ҳокимлиги, Туркистон вилояти бўйича Давлат даромадлари департаменти, «AMANAT» партияси Туркистон вилоят филиали ва Туркистон вилоятнинг тадбиркорлар палатаси ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ўзаро иш-ҳаракатлари тўғрисида Меморандум доирасида уюштирилган чора-тадбир реаллаштирилди.

Тадбирга Туркистон вилояти ҳокимининг ўринбосари Арман Сабитов, "AMANAT" партияси Туркистон вилоят филиалининг ижроия котиби Бейсен Тажибаев, Туркистон вилояти бўйича Давлат даромадлари департаменти раҳбари Дулат Нуримолдин, Туркистон вилоятнинг "ATAMEKEN" тадбиркорлар палатаси директорининг ўринбосари Зухра Тўлебай қизи иштирок этди.

Меморандум доирасида вилоят миқёсида мактаб ўқувчилари, солиқ агентликлари ва кўнгиллилар ўртасида "Солиқ соати" мавзуида мақолалар танлови уюштирилган эди. Тантанали тадбирда энг яхши мақола муаллифлари тақдирланди. Шунингдек, солиқ саводхонлигини атрофлича тарғиб қилган солиқ агентлари ва ОАВ вакилларига фахрий ёрликлар топширилди. Тадбир якунида муқофот соҳиблари учун Туркистон шаҳрининг манзарали жойларига саёҳат уюштирилди.

Туркистон вилояти минтақавий алоқалар хизмати.

КўП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА ЭҲТИРОМ



Кентов шаҳри ҳоқими Рашид Аюпов кўп болали оналарни қабул қилиб, уларга Қозоғистон Республикаси Президенти фармонида мувофиқ «Алтын алқа» ва «Кўмис алқа» кўкрак нишонларини топширди. 18 нафар кўп болали она ушбу муқофотга сазовор бўлди.

Тақдирлаш маросимида шаҳар ҳоқими кўп болали оналарни муқофот билан табриқлади. Учрашувда таълим-тарбия, она-бола муносабатлари, юрт бирлигини сақлаш борасида ҳам мазмунли фикрлар билдирилди.

Шунингдек, демографияни қўллаб-қувватлаш, мамлакат салоҳиятини юксалтириш режалари билан боғлиқ масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

Бугунги кунда Кентов шаҳрида 1510 нафар кўп болали она бор. Уларнинг 462 нафари «Алтын алқа» ва 948 нафари «Кўмис алқа» кўкрак нишони соҳибалардир. Йил бошидан буён 17та «Алтын алқа» ва 59та «Кўмис алқа» кўкрак нишонлари топширилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

САМАРАЛИ УЧРАШУВ

Ёшларнинг юртимиз тараққиётига қўшадиган ҳиссаси улкан. Уларнинг ижодий салоҳиятини янада ошириш мақсадида вилоятимизда кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Вилоят маслаҳатининг депутатлари Динара Егамбердиева ва Гулбахира Тажибаеваларнинг Саригоч тумани ёшлари билан учрашувида мана шу масала муҳокама қилинди. Тадбирда тумандаги фаол ва алоҳида парваришга муҳтож ёшлар иштирок этишиб, мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

лоҳиятини намоён қилишлари учун шароитлар яратиш. Учрашув чоғида депутатлар ёш авлод билан санъат йўли ҳамда миллий спорт, жаҳон тажрибаси, тадбиркорлиқни ривожлантириш, узлуксиз таълим борасидаги



Учрашув чоғида ҚР Президентининг Мактубидаги асосий тамойилларга тўхталиб, уни амалга оширишда ёшларнинг ролига алоҳида эътибор қаратилди.

Ёшлар том маънода жамиятимизни ҳаракатга келтирувчи куч. Бизнинг асосий вазифамиз — уларнинг ўз са-

фикрлари ила ўртоқлашишди, "Янги Қозоғистон"нинг ёшларини фаоллик ва ҳамжиҳатликка чорлашди.

Учрашув суҳбат шаклида ўтиб, талабалар, ўқувчилар ҳамда фаоллар ўзларини қизиқтирган саволларини беришди.

Ғулумжон ИРИСКЕЛДИЕВ.

Туркистон вилоят полиция департаменти ўзининг "Фейсбук" ижтимоий тармоғидаги саҳифасида мамлакатимиз фуқароларини молиявий пирамидалар тузоғидан эҳтиёт бўлишга чорлади.

«Молиявий пирамидалар фирибгарликнинг инсонларга энг жиддий иқтисодий ва маънавий зарар етказадиган, шу билан бирга, жаҳонда кенг тарқалган турларидан бири ҳисобланади.

Бундай фирибгарлик тузоғи минглаб, юз минглаб, ҳатто миллионлаб фуқароларни ўз домига тортиши тўғрисида ҳар қандай жамият учун ўта хавфлидир. У жамиятда беқарорликнинг келиб чиқишига, жабрдийдаларнинг давлат сиёсатидан норозилигига, кенг кўламли ижтимоий портлаш юзасига келишига сабабчи бўлиши мумкин», дейилган прокуратура баёнотида.

Қуйида молиявий пирамидаларнинг фирибгарлик белгиларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Молиявий пирамида! ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Молиявий пирамида пул маблағларини доимий равишда жалб қилиб турган ҳолда тузилма иштирокчиларини даромад билан таъминлаб туриш демакдир. Унинг бошқача номи сармовий пирамида деб юритилади. Бунда биринчи иштирокчиларнинг даромади

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ХАВФЛИ ЭҲРОМ!

иккинчи ва бошқа иштирокчиларнинг пул маблағлари ҳисобидан таъминланади.

Бу даромадларнинг манбаи кўп ҳолларда кўрсатилмайди. Ёки сохта номлар билан декларация қилинади. Бу — фирибгарликдан бошқа нарса эмас.

Таомилга кўра молиявий эҳром ташкилотчилари мижозларга қоп-қоп ваъдалар беради. Бироқ иштирокчиларнинг ҳаммасига ваъда қилинган пулларни қайтаришнинг имконияти йўқ. Одатга кўра, молиявий пирамидалар тижорат муассасаси сифатида рўйхатдан ўтади ва қандайдир лойиҳани молиялаштириш баҳонасида маблағ тўплай бошлайди. Агар лойиҳанинг ҳақиқий даромади мижозларга берилган ваъдалардан кам, ёки умуман даромад кўрилмайдиган бўлса, у ҳолда сўнгги мижозларнинг маблағлари биринчи мижозларга берилади. Яъни, Алининг қалпоғи Валига кийдирилади. Бунинг охир-оқибати лойиҳанинг касодга учраши билан яқунланади. Оддий сўз билан айтганда энг сўнгги аъзо бўлган мижозлар молиявий пирамидага қиритган сармовяларидан махрум бўлади.

Молиявий пирамида фаолияти қанча узоқ давом этса, мижозларга пулларни қайтариш

имкониятлари ҳам камайиб бораверади.

Молиявий эҳромлар кўплаб мамлакатларда қонунга зид, дея эълон қилинган. Чунки, АҚШ, Австралия, Австрия, Албания, Бразилия, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Дания, Доминикан Республикаси, Эрон, Исландия, Испания, Италия, Канада, Хитой, Колумбия, Малайзия, Мексика, Непал, Нидерландия, Янги Зеландия, Норвегия, Польша, Португалия, Россия, Руминия, Таиланд, Тайвань, Туркия, Украина, Филиппин, Франция, Швейцария, Швеция, Шри-Ланка, Эстония, Жанубий Африка Республикаси ва Японияда молиявий пирамидалар фаолияти тақиқланган.

Бирлашган Араб Амирликлари ва Хитойда молиявий пирамидалар ташкил этиб, фаолиятини юритганлар ўлим жазосига ҳукм қилинади.

Қозоғистонда молиявий эҳром ташкил қилиш (уни бошқариш) ҚР ЖКнинг 217-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилади.

Молиявий (сармовий) пирамидаларни реклама қилиш ва тарқатиш ҚР МҲКнинг 150-моддаси бўйича маъмурий жавобгарликка тортилади.

МОЛИЯВИЙ ПИРАМИДАНИНГ БЕЛГИЛАРИ

- Жарангдор ном, кенг қамровли реклама
- Компания ва унинг раҳбари ҳақида ишончли маълумотнинг йўқлиги
- Идора икарага олинган
- ҚР Миллий банки депозит очиш учун лицензия бермаган
- Юрчи, кафолатланган даромад ваъда қилинади
- Жалб этилган ҳар бир янги иштирокчи учун рағбатлантириш
- Кредитингизни ёпишга ваъда берилади
- Сиз ва банк ўртасида уч томонлама шартнома йўқ

Туркистон вилоят полиция департаменти маълумотлари асосида.

